

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА  
МАСОФАВИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ҚОШИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШ  
ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**УНИВЕРСИТЕТ ЁШЛАР ИТТИФОҚИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ**

**УНИВЕРСИТЕТ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ**

**ЁШЛАР БИЛАНИШЛАШ, МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ БЎЛИМИ**

**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-  
ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ**

**АХБОРОТ ХАТИ**

Мамлакатимизда коронавирус инфекциясининг олдини олишда энг муҳим чора карантин тартиби жорий қилинди. Шу сабабли олий таълим муассасаларида ўтказилиши режалаштирилган муҳим конференциялар онлайн режимда ташкил этиляпти. Тошкент давлат аграр университетида 2020 йил 15-май куни “Ўзбекистон ёшлари: аграр соҳа ривожидида менинг ҳиссам” мавзусидаги иқтидорли талаба-ёшлар, магистрлар ва ёш олимларнинг 3 - масофавий илмий-амалий конференцияси ўтказилади.

**Конференция иши қуйидаги шўъбаларда олиб борилади:**

**1-шўъба.** Интеллектуал ёшлар - юрт таянчи.

**2-шўъба.** Аграр соҳада фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси.

**3-шўъба.** Мамлакат келажаги - баркамол ёшлар қўлида.

**4-шўъба.** Мева сабзавотларни сақлашда ва қайта ишлашда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш

**5-шўъба** Қишлоқ хўжалигида рақамли инновацион технологиялар

**Конференциянинг ишчи тиллари:** ўзбек, рус, инглиз ва қорақалпоқ

***Илмий-амалий конференция материалларига қўйиладиган талаблар:*** материаллар 3-4 бет ҳажмда, 1 интервалда, А4 форматли қоғозда, чап томонидан 3 см, ўнг томондан 1,5 см, юқори ва пастдан 2 см жой қолдирилиб, компьютернинг Microsoft Word муҳаррирининг Times New Roman 14 ўлчамли шрифтида тайёрланиши ва ҳамма бетлар тўла бўлиши **шарт**. Маъруза материалларининг юқори қисмида мавзу бош ҳарфларда ёзилади, бир интервалдан кейин ўнг томонда талаба(лар)нинг ва бир интервалдан кейин илмий раҳбарнинг фамилияси-исми-шарифи (***исми-шарифи қисқартирилган ҳолда***) кўрсатилади. Бир интервалдан кейин мақоланинг асосий матни берилади. **Ҳар бир мақолада фақат бир нафар талаба ва бир нафар илмий раҳбар бўлиши шарт.**

### **Бошқа талаблар:**

Материаллар электрон вариантда (*e-mail [miraziz.mirsultonov@mail.ru](mailto:miraziz.mirsultonov@mail.ru)* электрон манзили ёки +998909099910 @mirsultonov телеграм рақами бўйича) белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳолда **2020 йилнинг 10 майгача** ташкилий қўмитага тақдим этилади. Файлнинг номи муаллифнинг фамилияси ва шўъба рақамидан иборат бўлиши керак.

Масалан: **2- шўъба. М.Абдуллаев.rtf**

Файл **RTF** форматда сақланиши лозим.

**Мақола бетлари рақами қўйилмайди.**

Конференция материаллари бўйича тўплам нашр қилинади. Аммо, муаллифларга тўпламнинг электрон нусхаси конференция ўтгандан сўнг бир ой муддатда тарқатилади.

Конференцияда барча хоҳловчилар қатнашишлари мумкин.

**Қўшимча маълумотлар учун**

Телефонлар: 260-48-95, (90)909-99-10.

**E-mail:** [miraziz.mirsultonov@mail.ru](mailto:miraziz.mirsultonov@mail.ru)

**Масъул ходим: М.Мирсултонов ва Ш.Дурходжаев**

**Эслатма:** Тақдим этилган мақолалар ва шахсан тақдимотлар билан фаол иштирок этишлари керак. Муаллифлар орасидан турли номинациялар бўйича энг намуналилари танлаб олинади. Ғолиб бўлган мақола муаллифлари фахрий ёрлиқ ва эсдалик учун совгалар билан рағбатлантирилади.

### **МАТНИИ РАСМИЙЛАШТИРИШ НАМУНАСИ:**

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР - ЮРТ ТАЯНЧИ

Талаба: **У.Т.Султонов(ТДАУ)**

Илмий раҳбар: **С.А.Акрамов(ТДАУ)**

Она Ватанимиз ер юзида энг кучли ва қудратли бўлмоғи учун, шу замин фарзандлари жисмонан соғлом, ақлан етук ва баркамол бўлишлари шарт. Бу муҳим шартни адо этиш учун, энг аввало бола камол топаётган оила деб аталмиш муқаддас даргоҳда, унга яқин инсонларнинг ўзаро муносабатлари самимият ҳукмрон бўлиши яъни оиланинг маънавий муҳити соғлом ва унда яшовчи инсонлар яхши хулқ эгалари бўлишлари муҳимдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Бу ҳақида қаранг: Навоийшуносларнинг илмий анжумани // Навоий ва оид сабоқлари (илмий мақолалар тўплами), Тошкент, Фан, 1981, 148-158-бетлар.

*Кўрсатилган талабларга жавоб бермаган мақолалар таҳрир ҳайъати томонидан чоп этмаслик ҳуқуқига эғалигини маълум қилади.*

**Шошилинг, азиз талаба-ёшлар!  
Имкониятни бой берманг!**

*Кўрсатилган талабларга жавоб бермаган мақолалар таҳрир ҳайъати томонидан чоп этмаслик ҳуқуқига эғалигини маълум қилади.*

**Шошилинг, азиз талаба-ёшлар!  
Имкониятни бой берманг!**